



# БЮДЖЕТ ТИЗИМИ БЮДЖЕТЛАРИ ДАРОМАДЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШИНинг ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

**Юсупов Руслан Бахтиёрович**

ТДИУ мустақил изланувчиси

**Аннотация.** Ушбу мақолада бюджет тизими бюджетларида даромадлар шаклланишининг илмий-назарий ва концептуал асослари ўрганилган. Бюджет даромадларининг манбалари, уларнинг таснифи ва иқтисодий моҳияти таҳлил этилган. Шунингдек, бюджетлар даромадларини шакллантиришида қўлланиладиган замонавий ёндашувлар ва моделлар, хорижий тажриба мисолида ўрганилиб, уларни миллий шароитга мослаштириши имкониятлари кўриб чиқилган. Мақолада бюджет тизимини тақомиллаштириши ва даромадлар самарадорлигини ошириши бўйича концептуал тақлифлар ҳам ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** бюджет тизими, бюджет даромадлари, назарий асослар, концептуал ёндашув, фискал сиёсат, молиявий механизmlар, иқтисодий таҳлил

**Abstract.** In this article, the scientific-theoretical and conceptual foundations of income formation in the budgets of the budget system are studied. Sources of budget revenues, their classification and economic essence are analyzed. Also, modern approaches and models used in the formation of budget revenues were studied on the example of foreign experience, and the possibilities of adapting them to the national conditions were considered. The article also developed conceptual suggestions for improving the budget system and increasing revenue efficiency.

**Key words:** budget system, budget revenues, theoretical foundations, conceptual approach, fiscal policy, financial mechanisms, economic analysis

## 1.Кириш

Жаҳон мамлакатлари давлат молияси тизимидағи ислоҳотларда асосан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий мустақиллигини таъминлашга йўналтирилган фискал номарказлаштириш, консепсиясига асосланади. Ушбу консепсияга мувофиқ маҳаллий даромад базасини мустаҳкамлашда даромадларни бюджет даражалари бўйича доимий бириктириш, солиқ базасидан ҳамкорликда фойдаланиш, солиқларни улушли тақсимлаш механизmlарига устуворлик берилмоқда. Ҳудудларда давлат бюджетига ундирилган даромадларни юқори даражада марказлаштириш ҳисобига уларни “Марказ-худуд” форматида қайта тақсимлаш амалиёти маҳаллий бюджетлар молиявий қарамлигига ва даромад базасини мустаҳкамлашга қаратилган молиявий-инвестицион сиёсатни амалга оширишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаололигини рағбатлантирмаётганлиги ўз тасдифини топмоқда.



Янги Ўзбекистон истиқболдаги ривожланишини стратегик йўналишларини ўзида мужассамлаштирган «Ўзбекистон — 2030» Стратегиясида “Фискал барқарорликни таъминлаш ва давлат мажбуриятларини самарали бошқариш” [1] мақсадининг белгиланиши давлат бюджети даромадларини самарали шакллантириш ва уларни бюджет тизими бюджетлари ўртасида оптимал қайта тақсимлаш орқали маҳаллий бюджетлар барқарор даромад базасини шакллантириш бўйича ислохотларни янада чуқурлаштиришни тақозо қиласди. Бунда маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлашга нафакат уларга юклатилган харажатларни молиялаштириш салоҳиятини ошириш юзасидан, балки капитал бюджетни оқилона шакллантириш орқали ҳудудий иқтисодий-инвестицион сиёсатни янада ривожлантиришга қаратилган таклиф ва тавсияларни асослаш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

## 2.Адабиётлар шарҳи

Ҳудудлар инвестицион фаоллигини ошириш орқали маҳаллий бюджетлар даромад базасини оширишнинг илмий-назарий, ташкилий-иқтисодий асослари ва уни комплекс баҳолаш методологияси бўйича қатор иқтисодчи олимлар илмий тадқиқот ишларини олиб боришган.

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан А.Ваҳобов, Т.Маликов, А.Жўраев, А.Бурханов, О.Мейлиев [11], М.Хайдаров, Х.Курбонов, Ш.Мусалимов [12], Х.Кобулов, Л.Хазратқулова, С.Элмирзаевлар, У.Ўроқов ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлиги ва уни мустаҳкамлаш йўллари бўйимча илмий тадқиқот ишларини тизимлаштиришган.

## 3.Таҳлил ва натижалар

Замонавий шароитларда миллий иқтисодиёт барқарор ривожланишининг муҳим молиявий-иқтисодий асосларидан бири давлат ихтиёридаги марказлаштирилган пул фондларини тизимли шакллантириш ва улар ҳисобига умуммиллий ва ҳудудий масштабдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини самарали молиялаштириш тизимиға кўп даражада боғлиқ бўлмоқда. Чунки, мамлакат иқтисодиётини стратегик контурдаги ривожланишини таъминлаш, унга ички ва ташқи инвестицион ресурсларни кенг жалб қилиш орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда унинг циклик ривожланиши у ёки бу фазаларида давлат томонидан молиявий тартибга солиш юқори мултиплекатив самарадорликка эгадир.

Иқтисодиётнинг циклик ривожланишини у ёки бу фазаларида самарали иқтисодий ўсишни ёки макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга йўналтирилган молиявий тартибга солиш тизими унда яратилган миллий даромадни бирламчи ва қайта тақсимлашнинг бозор инструментлари орқали шаклланадиган ва тақсимланадиган давлат даромадларининг кўлами ва масштабига боғлиқдир. Хусусан, ушбу жараённи мантиқий прагматик кетма-кетликда куриб ўтиладиган бўлинса, миллий даромад асосий макроиқтисодий кўрсаткичлардан бири сифатида ЯИМнинг асосий элементини ўзида

мужассамлаштириб, макро кўламда яратилган кўшилган қийматнинг моддий-молиявий ифодасини намоён этади.

Бюджет тизими бюджетларининг даромадларини шаклланиш хусусиятини тадқиқ қилишдан аввал, давлат бюджетининг иқтисодий категория сифатидаги хусусияти ва уни замонавий шароитлардаги илмий концептуал асосларини тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқдир.

Давлатнинг бюджет тизми бюджетлари бир сўз билан айтганда давлат бюджети тизимини ўзида мужассамлаштириб, унинин моддий негизини мамлакат миллий иқтисодиётида яратиладиган Ялпи ички маҳсулот ташкил қиласди. Ушбу жиҳат давлат бюджетининг иқтисодий категория сифатидаги хусусиятини ўзида мужассамлаштириб, мамлакат иқтисодиёти узлуксиз такрор ишлаб чиқариш жараёнининг ажралмас элементини ташкил қиласди. Қолаверса давлат бюджети, замонавий бозор иқтисодиёти шароитида ЯИМ ва миллий даромадни тақсимланиши жараёнида жамиятнинг иқтисодий агенти ва сиёсий институти сифатидаги давлат молиявий манфаатларини ўзида мужассамлаштирувчи марказлаштирилган фондни ифодалайди.

Россиялик иқтисодчи Р.Р.Гиниятуллина давлат бюджетининг миллий иқтисодиёт ривожланишидаги замонавий ролига тўхталиб, миллий даромадни қайта тақсимлашнинг кенг инструментлари орқали давлат бюджетининг шаклланадиган, даромадлари орқали намоён бўладиган ролига ва шунингдек, кўп каналли молиялаштириш тизими орқали ифодаланидаги харажатлар воситасида миллий иқтисодиётнинг сифат ва микдор жиҳатдан тараққиётига таъсир этишини илгари суради. [4] ерда, давлат бюджетининг марказлаштирилган фонд сифатида даромад ва харажатларининг шаклланиши ва натижада бюджет орқали миллий даромадни қайта тақсимлаш воситасидаги ролига тўхталиб ўтилган. Профессор Г. Б. Полякнинг фикрича, миллий даромадни қайта тақсимлаш орқали шаклланадиган давлат бюджети даромадлари, уни шакллантиришнинг турли инструментлари воситасида иқтисодий агентлар (фирмалар, корпоратив сектор ва уй хўжаликлари) шахсий тсарруфидаги даромадларга таъсир этилади ва натижада, истеъмол ва жамғариш нормаси нисбатларига таъсир этиш орқали миллий иқтисодиётнинг жорий ривожланиши ёки жамғармалар ҳисобига истиқболдаги ривожланиши учун моддий замин яратилишига таъсир этади.

Гарчи аксарият, россиялик иқтисодчи олимлар давлат бюджети категорияси молия категорияси каби бир қатор функцияларни бажариб, улар асосан ЯИМни қайта тақсимлаш, бюджет фондини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ қиймат тақсимот жараёнларини назорат қилиш функциясини таъкидлаб ўтишган. [5]

Замонавий тенденсияларни тадқиқ қилиб, россиялик олимлар давлат бюджетининг функцияларини самарали реализация қилиш мамлакатда фан ва техника ривожини молиявий таъминлаш учун муҳим макрофискал омиллардан бири- деб талқин қилмоқдалар. Улар илмий изланишлар учун давлат молиявий ёрдами зарурлигини, фундаментал тадқиқотлар эса ўтиш даври бошдан кечираётган мамлакатлар учун милли иқтисодиёт

ракобатбардошлигини таъминлашнинг муҳим омили сифатида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан асосан молиявий таъминланиши мутлақ зарурият эканлигини таъкидлайдилар [7]. Бундан ташқари, давлат бюджети мамлакат ичида нисбатан тенг турмуш шароити ва минтақавий барқарорликни таъминлаш учун молиявий ресурсларни қайта тақсимлашда муҳим рол ўйнашини эътироф этиб ўтилади [8]. Бундан ташқари, бюджет турли минтақаларда, айниқса чекка худудларда инвестициялар, инновациялар ва иқтисодий ривожланишни рағбатлантиришнинг асосий молиявий воситаси эканлигини эътироф этиб, унинг барқарор ривожланиш ва ижтимоий эҳтиёжларни қондиришдаги аҳамиятига алоҳида эътибор қаратадилар [3]. Умуман олганда, россиялик олимларнинг талқини илмий тадқиқотларни қўллаб-куватлаш, минтақавий тараққиётни рағбатлантириш, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётни таъминлашда давлат бюджетининг муҳим ролини таъкидлайди.

Хусусан, В.В. Ковалева ЯИМнинг қиймат тақсимот жараёнларида иштирок этиб, давлат бюджети инструментлари орқали миллий даромад ва қисман миллий бойлик тақсимланиши эътироф этиб ўтади [9]. Унинг фикрича, ушбу қайта тақсимлаш инструментлари асосан давлат бюджети даромадларини шакллантиришда иштирок этувчи инструментлар орқали амалга оширилишини эътироф этиб ўтади. Умуман, давлат бюджети даромадлари асосан солиқлар ва солиқсиз императив шакллардаги тўловлар воситасида амалга оширилиб, реал секторда яратилган даромад, мулкий қийматликлар ва айланмалар қиймат тақсимот муносабатларининг обекти ҳисобланади. Шунигнг учун ҳам аксарият иқтисодчилар томонидан иқтисодий категория сифатида давлат бюджети томонидан бажариладиган функцияларни З умумий туркуми яъни: бюджет фондини шакллантириш, бюджет фондидан фойдаланиш билан боғлиқ тақсимлаш ҳамда назорат функцияларини бажариши эътироф этиб ўтилади.

Ушбу функцияларга асосланган вазифалар кенг арсенали бюджет тизими бюджетларининг даромадларини шакллантириш ва харажатларини сарфлаш нисбатларини тизимнинг ички барқарорлиги ва миллий иқтисодиёт ривожланиш нисбатларига белгиланган мақсадга мувофиқ самарали таъсир этиш имкониятларини реализация қилишга йўналтирилган.

Ушбу масалада хорижлик замонавий иқтисодчи олимларнинг илмий қарашларини криб ўтадиган бўлсак, улар асосан давлат бюджетининг иқтисодий категория сифатидаги хусусияти бўйича маҳаллий иқтисодчи олимларнинг илмий ёндашувлари билан бир мазмундаги хусусиятни талқин қиласди. Хусусан, уларнинг фикрича иқтисодий ривожланишнинг циклик фазаларида давлат бюджети даромад ва харажатлари воситасидаги тартибга солиш тескари траекторияга асосланади. Хусусан, пасайиш фазасида солиқ юки туширилиб, давлат харажатлари оширилади ва натижада циклик бюджет тақчиллиги юзага келади. Жонланиш ва юқори ўсиш фазасидаги солиқ юкини ошириш ва давлат харажатларини қисқартириш билан боғлиқ трансмиссион механизм воситасида ортиқча заҳиралар яратилади ва бу шаклланган циклик


дефицитни молиялаштириш натижасидаги юзага келган давлат қарзларини қайтаришнинг моддий-молиявий негизини ташкил қилади.

Иқтисодчи Анвар Шах бюджет тизимини бошқаришнинг икки жиҳатига алоҳида урғу беради. [10] Яъни, биринчи жиҳати, бюджет тизимини бошқариш яхлит тизимлаштирилган фонд сифатида ички молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадига асосланишини таъкидлайди. Иккинчидан, бюджет тизими даромад ва харажатларини бошқариш инструментлари орқали миллий иқтисодиёт ривожланишининг у ёки бу босқичида давлат томонидан тартибга солинади ва иқтисодий тараққиёт таъминланади.

Гарчи, бюджет тизими бюджетлари даромадларининг шаклланиши миллий иқтисодиётнинг барчарор ривожланишига макрофискал инструментлар воситасида таъсир этишда бирламчи аҳамият касб этадиган бўлса, жорий ва стратегик контекстда бюджет тизими бюджетлари орқали барқарор ривожланишга таъсир кўламини тадқиқ қилишда унинг даромад манбаларини шаклланиш хусусиятлари замонавий шарт шароитларга мувофиқ асослашни тақзо этади.

Бунинг учун биринчи навбатда турли даражадаги бюджетлар даромадларини ЯИМнинг элементлари, ички ўзаро боғланган компонентлари асосида таҳлил қилиш қилиш мақсадга мувофиқдир.

1-расмга мувофиқ ЯИМнинг таркибий компоненти ҳисобланган ва қўзшилган қиймат занжири асосида бюджетга марказлаштириладиган билвосита солиқлар ( $T(I)$ ) бюджет тизими бюджетлари даромадлароини шаклланишида асосий фискал фактор ролини ўйновчи даромадлар ҳисобланади.



Жаҳон амалдиётида буюлвосита бюджетга даромадлар сифатида қайта таҳжигида ажратилади. Булар: бир босқичли билвосита солиққа тортиш тизими (Асосан аксиз солиғи, Масалан АҚШ) ва кўп босқичли билвосита солиққа тортиш тизими (асосан, ҚҚС, масалан, Контиентал Европа) моделлари назарда тутилади. Ҳозирги шароитда Ўзбекистон амалиётида ҳар иккала модел

асосида амал қилувчи билвосита солиққа тортиш тизими амал қилиб ушбу солиқлар (КҚС, Аксиз солиғи) нафақат бюджет тизими бюджетлари даромадларини шаклланишида балки, турли даражадаги бюджетлар даромадларини уларга юклатилған харжат мажбуриятларини самарали молиялаштиришда тартибга солувчи даромадлар сифатида ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Амортизация ажратмалари эса, ишлаб чиқаршга авансланган асосий ишлаб чиқариш фондлари эскиришининг қиймат эквивалентини ўзида мужассамлаштириб, улар корпоратив сектор даромадлари (тушум) манбайни ташкил қылсада, амалдаги Ўзбекистон Республикаси солиқ кодекси орқали тартибга солинадиган Амортизация меъёрларини белгилаш орқали реал солиқлар яъни мол мулк солиғи бўйича тушумларни бюджет тизимининг қуи бўғини ҳисобланган маҳаллий бюджетлар даромадларини шаклланишида муҳим аҳамият капсб этади. Демак, ЯИМнинг компоненти ҳисобланган ( $x_1$ ) билвосита солиқлар ва амортизация ажратмалари воситасида айланмадан олинадиган ва реал солиқлар воситасида бюджет бюджетими бюджетлари даромадлари ҳамда корпоратив сектор пул даромадлари шакланади. Иш ҳақи ( $W$ ), рента ( $p$ ), фоизлар ( $u$ ) ва соф молиявий натижага ҳисобланган фойда ( $P$ ) шаклидаги даромадлар эса миллий даромаднинг элементини ташкил қилиб ( $x_2$ ) жисмоний ва юридик шахсларда олинадиган барча турдаги солиқларнинг молиявий манбайни ташкил қиласди.

ЯИМнинг шаклланиши ва уни тақсимланиши яхлит тизимининг декомпозицияси сифатида ушбу даромадларни ( $I_c$ ;  $I_n$ ;  $I_x$ ) солиққа тортиш бўйича миллий солиқ тизимидағи барча солиқлар бюджет тизими бюджетлари даромадларини манбайни ташкил қилиб, солиқ механизми инструментларинг кенг арсенали (солиқ базаси, солиқ объти, солиқ ставкаси, имтиёзлар ва ҳ.к.) воситасида амалга оширилаётган солиқ тизимини такомиллаштириш бўйича ислоохотлар аввало солиқ тўловчилар молиявий хўжалик фаолиятига ва қолаверса бюджет тизими бюджетлари даромадларига таъсир этади.

Давлат бюджети ҳар қандай мамлакатнинг молиявий асосини ташкил қилувчи бош ва хал қилувчи компонент ҳисобланади. Давлат бюджети даромадлари ҳукумат учун социал-иктитодий ва бошқарув платформасидаги харажатларини молиялаштиришга ва иқтисодий ўсишнинг циклик фазаларидаги инқирозли вазиятларда (турғунлик ва депрессия) мамлакатдаги молиявий барқарорликни таъминлаш учун зарур бўладиган ва шунингдек, юқори ўсиш фазасида максимал даражада давлат заҳиралари фондларини шакллантиришга имкон беради. Давлат бюджети даромадлари тегишли харажатларни молиялаштириш манбаи сифатида молиявий ҳуқуқнинг асосий институти бўлиб, унинг функционал тарздаги самарадорлиги мамлакат фаолиятининг бюджет билан бевосита боғлиқ бўлмаган турли соҳалари (реал сектор) фаолиятига бевосита боғлиқдир. Шунингдек, давлат бошқаруви тузилмасининг соҳалари ва призмасига мувофиқ давлат бюджети яхлит даромадлари давлат ҳокимиятининг турли даражалари кесимида тақсимланади. Ушбу тақсимлашнинг мантикий асосини турли даражадаги

давлат ҳокимиияти органлари ўртасидаги вазифалар тақсимоти ташкил қиласди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасида амалдаги фискал қонунчилик асослариiga мувофиқ бюджет тизими бюджетлари даромадларини тақсимланиши маълум мантиқий кетмакетликни тақозо этади.

## 1-жадвал

### Давлат бюджети даромадлари ва уларнинг манбалари

№	Даромадлар	Манбаи	Бюджет тизими бюджетлари бўйича
1	Соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар	Миллий даромад элементи	P+M
2	Давлат активларини жойлаштириш, фойдаланишга бериш ва сотишдан олинган даромадлар	Миллий даромад элементи	P+M
3	Мерос, ҳадя ҳукуки бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари	Миллий бойлик элементи	P+M
4	Юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет давлатлардан тушадиган қайтарилмайдиган пул тушумлари	Миллий бойлик ва глобал жамғармалар	P
5	Резидент-юридик шахсларга берилган бюджет ссудалари, кредит линиялари ва чет давлатларга ажратилган кредитлар маблағларини қайташиб хисобига тўловлар, шунингдек улар бўйича фоизли тушумлар	Глобал ва миллий даромад	P

Амалдаги Бюджет Кодексига мувофиқ<sup>1</sup>, бюджет тизими бюджетлари даромадлари давлат бюджети даромадлари сифатида этироф этилади.

1-жадвалдан кўришимиз мумкинки, бюджет тизими бюджетлари даромадларининг асосий манбаи ЯИМ ва миллий даромадни тақсимлаш ҳисобига шаклланадиган соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобига шаклланади.

Умуман бевосита бюджет тизими бюджетлари даромадларини шаклланишини тартибга солувчи бевосита қонунчилик актлари сифатида амалдаги Бюджет Кодекси ва Солик Кодекси ҳисобланиб ушбу қонунчилик актларида яхлит давлат бюджети даромадлари ва уларни шакллантириш механизмининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ёритилган.

Хусусан, Бюджет Кодексига мувофиқ давлат бюджети даромадларининг беш асосий категориялари ва уларни бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимланиш механизми ифодаланган. Ўзбекистон Республикасининг Солик кодексида эса Соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар деб номлануви биринчи категориядаги даромадлар ва уларни шакллантириш механизми ифодаланган.

ЎЗ Солик Кодексига мувофиқ 9 турдаги соликлар ва йиғимлар ҳамда 4 турдаги маҳсус солик режимлари Ўзбекистон Республикасида амал қилиши белгиланган. Ушбу соликлар ва йиғимларнинг турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимланиши ва улар билан боғлиқ солик маъмурчилигини ташкил қилишдаги ваколатлар эса Бюджет кодексида белгиланган.[2]

Давлат бюджети даромад ва харажатларини бюджет тизими бюджетлари ўртасида тақсимлаш билан боғлиқ верикал тақсимлаш механизми орқали ҳар қайси бюджетлар учун даромад ва харажатларни мувозанатли тасимлаш


<sup>1</sup> O‘zbekiston Respublikasining Byudjet Kodeksi. 50-modda. O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami// https://lex.uz/docs/2304138?ONDATE=02.08.2023

имкониятини яратмайды. Чунки, биринчидан, барча солиқ турлари бўйича ҳудудлар кесимидағи солиқ базасининг тақсимланишида тафовут мавжуд бўлиб, давлат хизматлари бўйича ҳудудий тафовут ҳам кузатилади. Натижада, солиқлар ва бюджет харажатларини тақсимлаш билан боғлик вертикал тенглаштириш ҳудудлар кесимидағи маҳаллий бюджетлар дисбаланси ва натижада марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатлари кесимидағи дисфункционаллик ҳолатларини кузатилишига олиб келади. Натижада даромадларни марказий ва маҳаллий бюджетлар кесимида қайта тақсимлаш билан боғлик горизонтал тенглаштириш инструментларига эҳтиёжни вужудга келтиради.

Маҳаллий бюджетлар даромадлари таркибида горизонтал тенглаштириш инструментлари воситасидаги марказий бюджетдан ажратиладиган трансферлар обектив зарурият ҳисобланиб, дунё мамлакатлари марказий ва маҳаллий бошқарув органларининг тузилиши, ваколатларни тақсимланишга боғлик ҳолда уларнинг ўзига хос моделларидан фойдаланилади. [2]


Республика бюджетидан трансферларни тақсимлашнинг обектив мезонлар тизими мавжуд бўлмаган тақдирда, вертикал номутаносиблигни қоплаш учун маблағларни ажратиш ягона макроиктисодий сиёsatни амалга оширишда муаммоларни келтириб чиқаради. Бу ўз навбатида, марказий ва минтақавий ҳокимиятлар ўртасида норасмий савдолашиш оқибатларини келтириб чиқарувчи грантлар ажратилишига олиб келиши мумкин.

Умуман, жаҳон тажрибаси ва миллий бюджет амалиётига асосланган ҳолда маҳаллий бюджетларнинг даромадларини шаклланишини 2 асосий туркумга ажратиш мумкин (2-расм).



2-расмдан кўриш мумкинки, маҳаллий бюджетлар даромадларини ташкилий таркиби бўйича туркумлмаганимизда, бириктирилган даромадлар улар моливий мустақиллиги таъминлашда марказий аҳамият касб этувчи даромадлар сифатида эътироф этилади. Бириктирилган даромадлар асосан миллий солиқ тизимида мавжуд бўлган солиқлар ҳисобига шакллантирилиб, улар З асосий элементдан иборат даромадларни ўзида мужассамлаштиради. Хусусан, бириктирилган даромадлар таркибида маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ( $x_1$ ) марказий аҳамият касб этиб, ушбу даромадларга амалдаги Бюджет Кодекси ва Солиқ кодексида белгиланган ҳамда маҳаллий бюджетлар учун тўлиқ хусусий даромад манбаи сифатида белгиланган солиқлар киритилади.


Гарчи юқоридаги ҳар иккла қонунчилик хужжатларида айнан маҳаллий солиқлар ва йиҳимлар тўғрисида бевосита сўз юритилмаса-да, Бюджет кодексининг 52-моддасида Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадларини шакллантириш [3] манбалари таркибида ушбу туркум солиқлари санаб ўтилган. Хусусан, ушбу солиқлар маҳаллий бюджетларнинг бириктирилган манбалари ҳисобланиб, даромадлар қўйидаги тартибда тизимлаширилган.




### шаклланишининг ўзиға хос хусусиятлари

Демак, кўришимиз мумкини, маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришда амалдаги қонунчиликка мувофиқ худуд иқтисодий салоҳиятидан фойдаланган ҳолда яратилган ЯҲМни тақсимлаш натижасидаги Республика бюджетига келиб тушадиган умумдавлат солиқларидан меъёрий ажртамлар шаклидаги даромадлар марказий аҳамият касб этиб, ушбу туркум даромадларга асосан тўрт турдаги солиқлардан тушумларнинг ўзаро тақсимланиши назарда тутилган.

Давлат бюджетининг таркибий элементи сифатида маҳаллий бюджетлар даромадларининг умумий ва хусусий белгиларини тизимли равишда туркумлаш мумкин. Умумий хусусиятига оид туркумлашда иқтисодий моҳияти бўйича маҳаллий бюджетлар даромадлари императив тавсифдаги пул муносабатларини ўзида мужассамлаштирса, хусусий жиҳати маҳаллий давлат ҳокимияти билан худудда яшовчи жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги пул муносабатлари тизимини ўзида мужассамлаштириши билан изоҳлаш мумкин.





#### **4-расм. Ўзбекистон Республикасида амалдаги қонунчиликка мувофиқ маҳаллий бюджетлар даромадлари таркиби**

Худуд иқтисодиёти, ижтимоий-маданий тадбирлар, маҳаллий бошқарув оранлари фаолиятини молиялаштиришга мўлжалланган маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда жисмоний ва юридик шахслар ўртасида вужудга келадиган императив тавсифдаги пул муносабатлари тизимини ўзида мужассамлаштиради.

Ривожланган мамлакатларда мамлакатлар иқтсдий ривожланишининг хусусиятли жиҳатларига асосланган ҳолда солиқларнинг маҳаллий бюджетлардаги ҳиссаси турличадир. Хусусан, Англосаксон мамлакатларда асосий фискал фактор ролини ўйновчи солиқлар қаторида жимоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқлар ва мол мулк солиғи устувор аҳамият касб этиб, маҳаллий бюджетлар даромадлари таркибида ҳам ушбу солиқларнинг сезиларли улуши кузатилади.

Ўзбекистон амалиётида эса маҳаллий солиқлар сифатида асосан сув ресурслардан фойдаланганлик учун солиқ бўйича тушумлар, мол-мулк ва ер солиғи белгиланганбўлиб, улар хусусий ёки биритирилган даромад манбаи сифатида эътироф этилади.

Шун алоҳида таъкидлаш жеоизки, маҳаллий бюджетлар барқарорлигини таъминлаш юзасидан стратегик контекстдаги ислоҳотларда юқорида тилга олинган маҳаллий солиқлар базасини кенгайтириш масаласи аксарият маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан тавсияя этилган.

Хусусан, доцент О. Мейлиев маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлигини таъминлашни улар даромад базасини мустаҳкамлаш билан узвий равишда боғлаган ҳолда маҳаллий солиқлар бўйича солиқ имтиёзларини қисқартириш чораларини кўриш ва маҳаллий солиқлар бўйича солиқ имтиёзларини белгилаш ҳукуқини босқичма-босқич маҳаллий ҳокимият органларига бериш бўйича фикрларни тизимлаштирган [11]. Доцент М.

Хайдаров эса умумий контекстда маҳаллий бюджетларнинг мустақиллигини оширишдаги энг муҳим омил уларнинг ўз даромадлар базасига эга бўлишини таъкидлаб, унда айланмадан олинадиган билвосита солиқлар ҳисобига маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлаш масалаларига эътибор қаратган. Доцент Х. Курбонов эса, маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлашнинг асосий мезонларидан бири сифатида 2018-йилга қадар амалдаги бюджетлараро трансферлар тизимида фойдаланилган субвенсиялардан чиқариш форматидаги ислоҳотларга тўхталиб ўтган. [10]

Юқоридаги иқтисодчи олимларнинг илмий қарашлари ва маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш йўналишидаги улар даромадларини таркибий ислоҳ қилишда биринчи навбатда, бириктирилган даромадлар яъни маҳаллий солиққа тортиш тизимини ислоҳ қилиш орқали уларп бўйича тушумлар самарадорлигини ошириш йўналишлари тадқиқ қилинган. [12]

Умуман, иқтисодчи олимлар томонидан маҳаллий бюджетлар даромадлари базасини улар молиявий барқарорлигини кенгайтириш нуқтайи назардан илмий қарашларини, унга таъсир этувчи омиллар спектрида икки асосий туркумга ажратиш мумкин:

1. Маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлашнинг молиявий омиллари.
2. Маҳаллий бюджетлар даромад базасини кенгайтиришнинг умуниқтисодий омиллари.

Молиявий омиллар асосан солиқ механизмини такомиллаштириш орқали даромад бюазасини кенгайтириш ва тушумлар самарадорлигини оширишга қаратилган консепсияларни киритиш мумкин. Шунингдек, даромадларни бюджет тизими бўғинлари ўртасида қайта тақсимлаш ҳисобига маҳаллий бюджетлар даромад базасини кекнгайтириш бўйича консепсияларни куришимиз мумкин.

Умуниқтисодий омиллар қаторига худуд иқтисодиёти ва фискал салоҳиятни оширишга таъсир этувчи умуниқтисодий омиллар кесимида маҳаллий бюджетлар даромад базасини кенгайтиришга йўналтирилган консепсияларни киритиш мумкин. Хусусан, ушбу масалада иқтисодчи Ш. Мусалимовнинг маҳаллий бюджетлар даромад салоҳияти ва унга таъсир этувчи омиллар кесимидағи декомпозицион таҳлиллари худудлар иқтисодий ривожланиши, инвестицион фаолияти билан маҳаллий бюджетлар даромад салоҳиятини ошириш ўртасидаги узвий боғлиқликда ўрганилган. [12]

Гарчи, маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлиги ва мустақиллигининг асосий шартларидан бири айнан маҳаллий солиқлар ва йиғимлар бўйича солиқ базасини кенгайтириш, тушумлар самарадорлигини ошириш бирламчи аҳамият касб этувчи омил бўлса-да, худудлар кесимидағи иқтисодий салоҳият ва солиқлар бўйича солиқ базасинини шаклланишидаги асимметрик тафовут маҳаллий бюджетлар даромадлари таркибида меъёрий ажратмалар (з) шаклидаги даромадлар тушуми механизмига эҳтиёжни



вужудга келтирадли. Қолаваерса горизонтал тенглаштириш инструменти ҳисобланган аниқ ва умумий мақсадлардаги грантлар ( $\bar{y}; \bar{d}$ ) ҳам маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлигини таъминлашнинг даромад компонентида марказий аҳамият касб этади.

Республика бюджетидан трансферларни ажратиш ҳам ҳудудларнинг фискал салоҳиятини минтақалараро табақаланишини горизонтал тенглаштириш мақсадида амалга оширилади. Ушбу тушунчада маҳаллий бюджетлар даромадларининг ўсиш имкониятларини ҳудудий инвестицион фаолият билан ўзаро боғлиқлигининг яна бир кўриниши ҳисобланади. Амалда факат баъзи давлатлар ҳудудларнинг фискал потенсиалини баҳолаш методологиясидан мунтазам равишда трансферларни ҳисоблаш учун фойдаланадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, маҳаллий бюджетлар даромадлари алоҳида элементларининг улуши нафақат ҳудуд иқтисодиётининг ривожланиш даражаси, балки ҳудудлардаги ижтимоий хизматларга бўлган эҳтиёжга асосланган ҳолдаги ҳудудлараро даромадларни қайта тақсимлаш сиёсати орқали келиб тушаджиган даромадларга ҳам боғлиқдир. Демак, маҳаллий бюджетлар даромадлари таркибида грантлар алоҳида элементлари улуши (масалан, аниқ мақсадли грантлар: ижтиоий трансферлар ( $\bar{y}_1$ ), ссудалар ( $\bar{y}_2$ ), субвенсиялар ( $\bar{y}_3$ ) ёки умумий мақсадлардаги грантлар: дотация ( $\bar{d}_1$ ), ўзаро ҳисоб китоблар бўйича бериладлиган маблағлар) миллий даромадни ҳудудлараро қайта тақсимлашнинг молиявий инструментлари ҳисобланадли.

Шунинг учун ҳам ушбу маҳаллий бюджетлар даромадлари ҳудудисй фискал манфаатлар паритетининг бузилиш ҳолатлари билан боғлиқ рискларни кучайтириши мумкин. Шунинг учун ҳам маҳаллий бюджетлар даромадлар барқарор даромадларини шакллантиришнинг бош ва ҳал қилувчи аҳамият касб этувчи омили бириктирилган даромадлар базасини кенгайтириш, маҳаллий солиқфлар бўйича тушумлар самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Маҳаллий солиқлар бўйича солиқ базасининг кенгайиши ва солиқ тушумлари самарадорлигининг ортиши истиқболдаги ҳудуд иқтисодий салоҳиятини оширишга хизмат қилувчи ҳудудий инвестицион сиёсатга бевосита боғлиқдир.

## 2-жадвал

### Маҳаллий бюджетлар даромадларининг иқтисодий мазмунини бўйича туркумланиши

Даромадлар турлари	ЯҲМ (ЯҲД) асосий манбай	Ҳудуд иқтисодий салоҳиятини ўсишига боғлиқ	Инвестицион фоолликка боғлиқ	Аниқ ҳаракат туркумларига сарфланади	Актив (+) ёки Пассив (-) даромад
Маҳаллий солиқлар ва йигимлар	+	+	+	-	+
Умумдавлат солиқларидан меъёрий ажратмалар	+	+	+	-	+

Бюджетларо трансфертлар	-	-	-	+	-
Давлат активларн реализация қилиш ва ижарага беришдан, роялти ва дивиденд шаклидаги даромадлар	+	+	+	-	-
Хориждан олинган ва қайтариlmайдиган пул маблағлари, грантлар	-	-	+	-	-

Юқоридаги фикр ва назарий мулоҳазаларимизни 2-жадвал асосида тизимлаштириш орқали хулоса қилиш мумкинки, маҳаллий бюджетлар даромад базаси таркибидаги маҳаллий солиқлар ва йиғимлар, умумдавлат солиқларидан меъёрий ажратмалар, давлат активларини реализация қилиш, ижарага бериш, рояли ва дивидендларнинг манбаи ЯҲМ ҳисобланиб, худуд иқтисодий салоҳияти ва инвестицион фаоллигини ошириш пировардида ушбу даромадлар ўсиши кузатилади.

#### 4.Хулоса

Иқтисодий категория сифатида давлат бюджети даромадлари миллий иқтисодиётда яратилган ЯИМ ва миллий даромадни таркибий элементини ташкил қиласи. Шунинг учун ҳам бюджет тизими бюджетларининг даромадлари, бюджет харажатларини молиявий асосини ташкил қилиб, мамлакатдаги истиқболдаги ривожланиш пойдеворини ташкил қилувчи инвестицияларни молиялаштириш манбаларида марказий оъринлардан бирини ташкил қиласи. Инвестицион фаоллик эса юқори қоъшилган қиймат занжирини яратилиши ва миллий даромаднинг оъсишини таъминлаш орқали бюджет тизими бюджетлари даромадларини ошириш учун асосни яратиб беради.

Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг шаклланиши миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига макрофискал инструментлар воситасида таъсир этишда бирламчи аҳамият касб этиб, жорий ва стратегик контекстда бюджет тизими бюджетлари орқали барқарор ривожланишга таъсир кўламини тадқиқ қилишда унинг даромад манбаларини миллий иқтисодиётнинг таркибий ва тузилмасига ҳамда унинг ривожланиш нисбатларига бөгълиқ.

Маҳаллий бюджетлар даромадлари алоҳида элементларининг улуши нафақат худуд иқтисодиётининг ривожланиш даражаси, балки худудлардаги ижтимоий хизматларга бўлган эҳтиёжга асосланган ҳолдаги худудлараро даромадларни қайта тақсимлаш сиёсати орқали келиб тушаджиган даромадларга ҳам боғлиқ.

#### Адабиётлар:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023 yil 11 sentyabrdagi ««O‘zbekiston — 2030» strategiyasi to‘g‘risida»gi PF-158-son Farmoni // <https://lex.uz/ru/docs/6600413>.



2. O‘zbekiston Respublikasining Byudjet Kodeksi. 50-modda. O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami//  
<https://lex.uz/docs/2304138?ONDATE=02.08.2023>
3. O‘zbekiston Respublikasining Soliq Kodeksi. 2-bob, 16-17 moddelar //  
<https://lex.uz/docs/4674902>
4. Гиниятуллина, Р.Р. Рол государственного бюджета в развитии страны / Р.Р. Гиниятуллина. — Текст : электронный // НоваИнфо, 2016. — № 45 — С. 191-195 — URL: <https://novainfo.ru/article/5780> (data обрашениуа: 23.03.2024).
5. Бюджетная система России: Учебник для вузов/ Под ред. проф. Г.Б. Поляка. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 1999. – (с. 19) 550 с.
6. Бабич, А. М. Государственные и муниципальные финансы : учебник / А. М. Бабич, Л. Н. Павлова. – 2-ье изд., перераб. и доп. – Москва: Юнити-Дана, 2017. – 704 с.: tabl. – Режим доступа: по подписке. – URL: <https://biblioclub.ru/index.php?page=book&id=684682>;
7. Кузнецова, В. П. Финансы и кредит : учебной пособийе : [16+] / В. П. Кузнецова, Л. П. Вардомаская, М. П. Соловейкина ; под ред. В. П. Кузнецовой ;
8. Иvasенко, А. Г. Финансы: 100 екзаменационных ответов : учебной пособийе : [16+] / А. Г. Иvasенко, В. Д. Михалев, Я. И. Никонова. – 4-ье изд., стер. – Москва: ФЛИНТА, 2022. – 281 с. – Rejim dostupa: po podpiske. – URL: <https://biblioclub.ru/index.php?page=book&id=103527>.
9. Ковалева В. В. Финансы: учеб. -2-ье изд., перераб. и доп./ид ред.—М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2007.—с.184-195 (610 с).
10. Shah, Anwar Budgeting and budgetary institutions // ©2007 The International Bank for Reconstruction and Development / The World Bank 1818 H Street, NW Washington, DC 20433
11. Meyliyev O. R. Mahalliy byudjetlar moliyaviy barqarorligini ta’minlash yo‘llari // “Xalqaro moliya va hisob” ilmiy jurnalı. №4, avgust, 2021-yil. ISSN: 2181-1016. / <https://www.researchgate.net/publication/354782180>
12. Мусалимов Ш. И. Доходный потенциал местных бюджетов: особенности и проблемы формирования в современных условиях // “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” Ilmiy elektron jurnalı. № 2, mart-aprel, 2020-yil.-16-245 betlar. [https://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/3\\_Musalimov.pdf](https://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/3_Musalimov.pdf)